

ТУРЛИ ТОЛАЛАР ВА ИККИЛАМЧИ МАТЕРИАЛ РЕСУРСЛАРИДАН ОЛИНГАН ТЎҚИМАНИНГ МЕХАНИК ХОССАЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Исаева Махфуза Хамидовна

катта ўқитувчи

Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти

Аннотация: ушбу мақолада турли толалар ва иккиламчи материал ресурслар арлашмасидан олинган тўқималарнинг механик хоссалари синов лабораториясидаги замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида аниқланди.

Калит сўзи: тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича узилиш кучи, тўқиманинг танда ва арқоқ бўйича узилишидаги узайиши

ИЗМЕНЕНИЕ МЕХАНИЧЕСКИХ СВОЙСТВ ТКАНЕЙ ИЗ РАЗЛИЧНЫХ ВОЛОКОН И ВТОРИЧНЫХ МАТЕРИАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ

Исаева Махфуза Хамидовна

ст.препод.

Ташкентский институт текстильной и легкой промышленности

Аннотация: в данной статье определена механических свойств тканей, полученных из смеси различных волокон и вторичных материальных ресурсов, были определены с использованием современного оборудования в испытательной лаборатории.

Ключевые слова: прочность тканей по основе и по утку, относительная разрывная удлинения по основе и по утку

CHANGING THE MECHANICAL PROPERTIES OF FABRICS FROM DIFFERENT FIBERS AND SECONDARY MATERIAL RESOURCES

Isaeva Makhfuza Khamidovna

great teacher

Tashkent Institute of Textile and Light Industry

Abstract: in this article, the mechanical properties of fabrics obtained from a mixture of various fibers and secondary material resources were determined using modern equipment in a testing laboratory.

Keywords: strength of fabrics in warp and weft, relative breaking elongation in warp and weft

Тўқималарнинг механик хоссаларига узилиш кучи, солиштирма узилиш кучи, узилишдаги узайиши каби кўрсаткичлари киради.

Тўқималарнинг узилиши кучи биринчидан тола таркибига иккинчидан пардозланишига боғлиқдир. Болалар кийими учун мўлжалланган ушбу тўқима кўп ҳарактланиши сабабли, ҳам арзон ҳам узилиш кучи юқори бўлиши керак. Ундан ташқари, ушбу тўқимадан олинган кийимлар жуда арзондир. Сабаби, ресурстежамкор технология асосида олингандир.

Тўқималарнинг узиш кучи - бу намуналарни узиш учун сарф қилинган куч. Узиш кучи тўқималарнинг мустаҳкамлигини кўрсатади.

Тўқималарнинг мустаҳкамлиги уларнинг тола таркибига, ҳосил қилувчи ипларнинг тузилиши ва чизиқий зичлиги, ўрилиши, зичлиги, пардозлаш турига боғлиқ.

Иплар қанча йўғон ва қанча зич бўлса, у шунча мустаҳкамдир. Босиш, аппретлаш каби пардозлаш жараёнлари тўқималарнинг мустаҳкамлигини оширади, оқартириш, бўяш жараёнлари бўлса, мустаҳкамликни бироз пасайтиради. Тўқималар қанчалик зич тўқилса унда унинг мустаҳкамлиги ҳам маълум миқдорга ортади.


Тўқималарнинг механик хоссаларини аниқлаш борасида тадқиқот ишлари олиб борилди ва олинган синов натижалари 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал

Ресурстежамкор технология асосида иккиламчи материал ресурсларидан олинган тўқималарнинг технологик кўрсаткичларининг ўзгариши


т/р	Газламанинг тола таркиби	Тўқиманинг узилиш кучи, Н		Тўқиманинг узилишдаги узайиши, фоиз	
		танда бўйича	арқоқ бўйича	танда бўйича	арқоқ бўйича
1.	Танда ипи 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 90% вискоза толаси+10% пахта толали иккиламчи материал ресурсларидан олинган	533	493	57	61
2.	Танда ипи 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 75% вискоза толаси+25% пахта толали иккиламчи материал ресурсларидан олинган	489	426	49	61
3.	Танда ипи 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 90% лавсан толаси+10% пахта толали иккиламчи материал ресурсларидан олинган	586	410	51	60
4.	Танда ипи 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 80% лавсан толаси+20% пахта толали иккиламчи материал ресурсларидан олинган	553	415	50	63
5.	Танда ипи 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 85% вискоза толаси+15% пахта толали қайтимдан олинган	501	406	51	81
6.	Танда ипи 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 80% вискоза толаси+20% пахта толали иккиламчи материал ресурсларидан олинган ип	496	328	61	63

Тадқиқот натижалари асосида иккиламчи материал ресурслар миқдори турлича бўлган тўқималарнинг танда ва арқоқ бўйича узилиш кучи, узилишдаги узайишининг ўзгариши 1 ва 2-расмларда графиклар кўринишида берилган.



1-танда бўйича; 2-арқоқ бўйича.

1-расм. Иккиламчи материал ресурслар миқдори турлича бўлган тўқималарнинг танда ва арқоқ бўйича узилиш кучининг ўзгариши.



1-танда бўйича; 2-арқоқ бўйича.

2-расм. Иккиламчи материал ресурслар миқдори турлича бўлган тўқималарнинг танда ва арқоқ бўйича узилишдаги узайишининг ўзгариши.

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 90% вискоза толаси+10% пахта толали тикувчилик саноати иккиламчи материал ресурсларидан олинган тўқиманинг кўрсаткичларига нисбатан солиштирадиган бўлсак, танда ипи 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 75% вискоза толаси+25% пахта толали тикувчилик саноати иккиламчи материал ресурсларидан олинган тўқиманинг танда бўйича узилиш кучи 8,3% га, арқоқ бўйича узилиш кучи 13,6% га, танда бўйича узилишдаги узайиши 14,1% га камаяди, арқоқ бўйича узилишдаги узайиши ўзгармайди, танда ипи 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 90% лавсан толаси+10% пахта толали тикувчилик саноати иккиламчи материал ресурсларидан олинган тўқиманинг танда бўйича узилиш кучи 9,1% га ортади, арқоқ бўйича узилиш кучи 16,9% га, танда бўйича узилишдаги узайиши 10,5% га, арқоқ бўйича узилишдаги узайиши 1,6% га камаяди, танда ипи 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 80% лавсан толаси+20% пахта толали тикувчилик саноати иккиламчи материал ресурсларидан олинган тўқиманинг танда бўйича узилиш кучи 4,6% га ортади, арқоқ бўйича узилиш кучи 15,8% га, танда бўйича узилишдаги узайиши 12,3% га камаяди, арқоқ бўйича узилишдаги узайиши 3,2% га ортади, танда ипи 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 85% вискоза толаси+15% пахта толали тикувчилик саноати иккиламчи материал ресурсларидан олинган тўқиманинг танда бўйича узилиш кучи 6,1% га, арқоқ бўйича узилиш кучи 17,6% га, танда бўйича узилишдаги узайиши 10,5% га камаяди, арқоқ бўйича узилишдаги узайиши 24,7% га ортади ва танда ипи 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 80% вискоза толаси+20% пахта толали тикувчилик саноати иккиламчи материал ресурсларидан олинган тўқиманинг танда бўйича узилиш кучи 6,9% га, арқоқ бўйича узилиш кучи 33,5% га камаяди, танда бўйича узилишдаги узайиши 6,6% га, арқоқ бўйича узилишдаги узайиши 3,2% га ортади.

Синов натижалари таҳлилидан кўриниб турибдики, танда ипи 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 90% лавсан толаси+10% пахта толали тикувчилик саноати иккиламчи материал ресурсларидан олинган ва танда ипи 100% пахта толасидан ва ароқоқ ипи 80% лавсан толаси+20% пахта толали тикувчилик саноати иккиламчи материал ресурсларидан олинган тўқималарнинг узилиш кучи бошқа тўқималарникига нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. <http://advantex.uz/uz/caitme-2017>.

2. https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi_tuqimachilik_va_tikuv-trikotaj_sanoati_qanday_qullab-quvvatlanadi.

3. Башков Александр Павлович. Разработка ресурсосберегающих технологий переработки текстильных отходов для производства нетканых материалов: диссертация ... доктора технических наук : 05.19.02 / Башков Александр Павлович; [Место защиты: Иван. гос. текстил. акад. (ИГТА)]. - Иваново, 2007. - 338 с.

4. Петканова, Н.Н. Переработка текстильных отходов и вторичного сырья Текст./ Н.Н. Петканова, Д.Г. Урумова, В.П. Чернев; под ред. А.М. Чельшева. -М.: Легпромбытиздат, 1991. 240 с.

5. Чиркин Р.Н. Машины для переработки текстильного вторсырья Текст./ Р.Н. Чиркин // Курьер. 2002. - №7. - С. 5-6.